



ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Камилова Г.А.

БухДПИ мактабгача таълим кафедраси в/б профессори, п.ф.н

Таянч сўзлар: паремик жанрлар, узлуксиз таълим, атроф-муҳит, табиат, сўз бойлиги, экологик маданият, бадий жанрлар, топишмоқ, мақол, афоризм.

Ключевые слова: паремические жанры, непрерывное образование, окружающая среда, природа, лексика, экологическая культура, художественные жанры, загадка, пословица, афоризм.

Key words: paremic genres, lifelong education, environment, nature, vocabulary, ecological culture, artistic genres, riddle, proverb, aphorism.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш, таълим-тарбия жараёнини замонавий талаблар асосида ташкил этиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг барча буғинларида, жумладан, мактабгача таълим тизимида экологик таълим-тарбияга қатта эътибор қаратилаётганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам эътироф этилганлигини қайд этишимиз ўринли ҳисобланади. «Ўзбекистонда кўп мактабгача таълим ташкилотларида болаларни табиат ва атроф-муҳит билан таништириш машғулоти ташкил қилинади. Жами мактабгача таълим муассасаларнинг 40 фоизида экологик таълим учун махсус хоналар бор ва муассасаларнинг 16 фоизида болалар табиатни парвариш қилишни ўрганадиган «Атроф-муҳит сўқмоқлари» ташкил қилинган». Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари», «Илк қадам» Давлат ўқув дастурида ҳам мактабгача ёшдаги болаларнинг экологик таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.



Шу билан бирга, мамлакатимизда мазкур соҳага оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунлари шулар жумласидандир. Шу жиҳатдан, мактабгача ёшдаги болаларни табиатни асраб-авайлаш, экологик маданиятни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал қилишда болалар зеҳнини чархлаш, сўз бойлигини ошириш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадида оғиздан-оғизга ўтиб келган халқ оғзаки ижодига мансуб бадиий жанрлардан топишмоқ, мақол ва афоризмлардан ўринли ва унумли фойдаланиш ижобий натижа беради. Топишмоқ ва мақоллар кўпроқ табиат ва жамият ҳодисалари, ҳайвонлар ва ўсимликлар мавзуларида яратилган.

Шу жиҳатдан, мактабгача ёшдаги болаларни табиатни асраб-авайлаш, экологик маданиятини шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал қилишда болалар зеҳнини чархлаш, сўз бойлигини ошириш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадида оғиздан-оғизга ўтиб келган халқ оғзаки ижодига мансуб бадиий жанрлардан эртақ, топишмоқ ва мақоллардан ўринли ва унумли фойдаланиш ижобий натижа беради.

Гарчанд, паремик жанр намуналари ҳисобланмиш топишмоқ, ва мақоллар орқали мактабгача тарбия ёшидаги болаларга экологик маданиятни шакллантириш муаммоси-педагогик нуқтаи назардан махсус илмий-текшириш объекти бўлмаган бўлса-да, аммо мактабгача ёшдаги болаларда боғча ёшидан оқ экологик маданиятни шакллантириш, уларда атроф-муҳитга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, табиатни ардоқлаш педагогика фани учун янгилик эмас, албатта.

Халқ оғзаки ижоди мактабгача ёшдаги болаларнинг интеллектуал, экологик маданиятни шакллантиришда, иқтисодий ривожлантириш муаммолари педагог, фольклоршунослар томонидан ўрганиб чиқилган.

Мактабгача ёшдаги болаларни табиатга қизиқтириш ва экологик маданиятини шакллантиришга оид паремик жанрларни танлашда тарбиячининг ўрни жуда муҳим саналади. Бу борада тарбиячи-педагоглар ҳам тавсия этиладиган паремик жанрлари ҳақида чуқур маълумотга эга бўлишлари ва экологик мазмундаги жанрларни амалиётда қўллаши мақсадга мувофиқдир.

Тарбиячи-педагогнинг паремик жанрлар мазмунини жуда яхши тушуниши муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача ёшдаги болаларда паремик жанрларга бўлган қизиқишни шакллантириш учун тарбиячининг жанрлар мазмунини



тушуниши нафақат зарур, балки болалар учун муҳим тарбиявий таъсир кўрсатадиган таълимий-тарбиявий жараён саналади.

Халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланмиш топишмоқ, мақоллар орқали болаларда экологик тарбия, ахлоқий, эстетик, иқтисодий билимларга эга бўлишлари фойдали ва мақсадга мувофиқдир. Педагог-тарбиячи воситасида ҳикоя қилинган эртаклар, топишмоқлар, мақоллар болага ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Халқ оғзаки ижоди намуналарини эшитиш орқали болада экологик билим ва маданият куртаклари пайдо бўла бошлайди. Оғзаки ижод намуналарининг барчасидан ўз ўрнида ўринли ва унумли фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Болалар топишмоқ, эртак ва мақолларни маъносини англашдан ташқари, нима ҳақида сўз бораётганлигини тушуниб ета бошлайди. Табиат ҳодисалари ва бойликлари, улардан унумли фойдаланиш, инсонлар ҳаракатларини ўрганади шу билан биргаликда халқ анаъана ва урф-одатларини англаб олади.

Мақтабгача ёшдаги болаларнинг халқ оғзаки ижодига бўлган муносабатини ўзгартириш жараёнида куйидаги вазифаларни бажаришни лозим топдик:


1. Болада билиш психик жараёнларини такомиллаштириш;
2. Халқ оғзаки ижоди намуналарига бўлган иштиёқни кучайтириш;
3. Болаларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини бир-биридан фарқлай олиш ва мазмунини чуқур тушунишга қришиш;
4. «Илм фан ва табиат» марказларида таълимий ўйинларни мунтазам ташкил этиш ва экологик тажрибалар ташкил этиш;
5. Сайр ва экскурсияларни кўпроқ ташкил этиш;
6. Оғзаки ижод намуналарига қизиқишни уйғотиш, экологик маданиятни ривожлантириш.

Мақтабгача ёшдаги болаларда паремик жанрлар воситасида экологик маданиятни ривожлантириш билан биргаликда китобга бўлган қизиқишини ошириш учун аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб чиқилди:

1. Мақтабгача ёшдаги болалар тасавурида атроф-олам ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва маълумотлар билан бойитиш;
2. Болаларда атроф-олам, табиат гўзаллигини ҳис қилган ҳолда асраб авайлаш ва эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш;
3. Паремик жанрлар билан танишиш (топишмоқ, эртак, мақол ва афоризмлар орқали экологик маданиятни ривожлантириш).

Паремик жанр намуналарини ўрганишда куйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Болаларнинг халқ оғзаки ижодини ўрганишга бўлган эҳтиёжи, имкони ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда таълимий марказларда ишлаш имконини яратиш;
2. Тарбиячи-педагогларнинг экологик саводхонлигини ошириш;
3. Болаларда паремик жанрлар орқали экологик маданиятни ривожлантиришда таълим жараёнини интеграция қилиш.



Мактабгача ёшдаги болаларда табиатга бўлган қизиқиши ва экологик маданиятни ривожлантириш мақсадида турли ёш гуруҳлар учун аниқ мақсад ва вазифалар белгиланган:

1. Мактабгача ёшдаги болаларда табиат ҳақидаги билимларни кенгайтириш;
2. Паремик жанрлар орқали табиатни асраб-авайлашга оид тушунчаларни кенгайтириш;
3. Экологик маданиятни ривожлантириш;
4. Экологик тарбия ва экологик маданиятни интеграциялаш (халқ оғзаки ижоди жанрларига қизиқтириш)

Халқ оғзаки ижоди жанрларини ўрганишда қуйидагиларга диққат қаратилиши лозим:

1. Мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди кичик жанрлари билан таништиришда болаларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини ўрганиб чиқиш ва таълимий марказларда шароит яратиш;



2. Болаларда экологик маданиятни ривожлантиришга оид тарбиячи-педагогларнинг билим даражаларини ошириш ва мустақил ишлашга ўргатиш;

3. Мактабгача ёшдаги болалар учун табиат билан таништириш фаолиятларини ташкил этишда интеграция қилиш.

Мактабгача ёшдаги болаларда паремик жанрлар орқали экологик маданиятни ривожлантириш жараёни қуйидаги тузилишга эга.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди намуналари асосида экологик маданиятни ривожлантиришга бўлган қизиқишлари ва педагог-тарбиячиларнинг ушбу жараённи методик, педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши натижасида қатор ижобий сифатлар шаклланади: болаларнинг табиат оламига қизиқишларининг ортиб борганлиги; халқ оғзаки ижоди намуналарини идрок этиш ва англаб етиш; табиат мавзусида таълимий ўйинларни ташкил этиш, табиатни асраб авайлашга оид тадбирларда болалар фаоллигини таъминлашдан иборат.

Буларнинг барчаси мактабгача ёшдаги болаларда халқ оғзаки ижоди воситалари орқали экологик маданият, экологик онг, иқтисодий билим асосларини ва педагогик, психологик маълумотларни ривожлантиришга эришилади.

Адабиётлар:

1. “Илк қадам” Такмиллаштирилган Давлат ўқув дастури. Тошкент.2022 йил
2. “Ўзбекистон Республикасида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ” Тошкент. 2018 йил
3. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида.Тошкент ш,2020 йил 22 декабрь, 802-сон қарор.
4. «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2023 йил 31 майдаги ПФ-81-сон фармон.
5. Бобоёров.Р, Бабаёрова. Г.<https://cyberleninka.ru/article/n/maktabgacha-yoshdagi-bolalarga-ekologik-talim-tarbiya-berish-masalala>

РЕЗЮМЕ

Мактабгача ёшдаги болаларни табиатни асраб-авайлаш, экологик маданиятни шакллантиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу муаммони ҳал қилишда болалар зехнини чархлаш, сўз бойлигини ошириш, экологик маданиятни шакллантириш мақсадида оғиздан-оғизга ўтиб келган халқ оғзаки ижодига мансуб бадий жанрлардан топишмоқ, мақол ва афоризмлардан ўринли ва унумлидир. Мақолада паремик жанрлар ҳақида мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ

Особое значение имеет совершенствование дидактической системы дошкольников по охране природы, формированию экологической культуры. В решении этой задачи целесообразны и продуктивны загадки, пословицы и афоризмы из художественных жанров, принадлежащих народному устному творчеству, передававшиеся из уст в уста в целях обострения детского ума, увеличения словарного запаса, создания экологической культуры. В статье комментируются паремические жанры.

SUMMARY

Of particular importance is the improvement of the didactic system of preschool children on nature conservation and the formation of environmental culture. In solving this problem, riddles, proverbs and aphorisms from artistic genres belonging to folk oral art, passed on from mouth to mouth in order to sharpen the child's mind, increase vocabulary, and create an ecological culture, are appropriate and productive. The article comments on paremic genres.